# XIX БУТУНИТТИФОҚ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН

• *Партия турмуши: бошланғич ташкилотларда жанговарлик кўриги*

## КОММУНИСТ СУҲБАТГА ЧАҚИРИЛДИ

**Наманган шойи ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли тўқимачилик корхонаси партия ташкилотларида жанговарлик кўригининг биринчи босқичи тугалланмоқда. Суҳбатлар давомида партия ташкилотларининг фаолияти, қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши таҳлил этилди, коммунистларнинг мулоҳаза ва таклифлари умумлаштириляпти.**

Кўрик комиссиялари ўз ишларида асосий эътиборни партия аъзолари билан якка тартибда суҳбат ўтказишга қаратмоқда. Зеро коллективлардаги қайта қуриш тақдири уларнинг жипслигига ва фаоллигига, принципиал ҳаётий позициясига боғлиқ.

...Ўровчи, коммунист Наиля Давлятшина суҳбатдан ўтмоқда. У етти йилдан буён партия сафида, моҳир ишчи, меҳнат ветерани, комбинатда ишлаётганига 18 йил бўлди. Барча жамоатчилик ишларини сидқидилдан бажаради. Наиля — ўраш-давралаш цехи партия ташкилотининг секретари, ташкилот ҳисобида 26 нафар КПСС аъзоси ва аъзоликка кандидат бор. Н. Давлятшина етакчилик қилаётган партия ташкилоти тўқимачилик корхонасидаги энг жанговар партия ташкилотларидан ҳисобланади. Ўраш-давралаш цехи комсомол-ёшлар коллективининг кўпгина ибратли ишлари ва ташаббуслари бошқа цехлар томонидан қўллаб-қувватланди. Буларнинг ҳаммасида партия ташкилоти раҳбарининг шахсий иштироки бор. Лекин фабрика партия комитетининг унга ҳам эътирозлари бор.

Кейинги пайтларда цехда ишчи аёллар, жумладан, коммунистлар ўртасида турли келишмовчиликлар пайдо бўла бошлади, иш ҳатто ишчи йиғилишларининг аралашувигача бориб етди. Айрим партия аъзолари Устав талаблари бузилишига йўл қўйишди, партия ташкилоти топшириқларини бажаришда пассивлик кўрсатишяпти. Булар кишини ташвишлантирмай қўймайди, албатта. Шунинг учун ҳам Н. Давлятшина билан бўлган суҳбатда унга коммунистлар билан якка тартибда иш олиб боришга эътиборни кучайтириш тавсия этилди.

Май ойининг ўрталарида тўқимачилик корхонасининг барча цех партия ташкилотларида йиғилишлар ўтказилиб, жанговарлик кўригининг биринчи босқичи тугалланди. Бу йиғилишларда барча ички партиявий ишларни такомиллаштиришга қаратилган аниқ ҳаракат программаси ишлаб чиқилди. Шу билан бирга ҳар бир коммунист олдига: У XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига қандай меҳнат совғаси билан келади, қайта қуришга қандай шахсий ҳисса қўшмоқда, деган савол кўндаланг қўйилди.

Кўпгина тўқувчилар уч йиллик марradан ҳам ўзиб, бу даъватга лаббай деб жавоб бердилар. Галина Курдюкова тўрт йиллик, Раиса Белялова эса уч ярим йиллик планни адо этди. А. Мадраҳимов бригадаси партия конференцияси очиладиган кунни уч йиллик планни бажариш билан кутиб олишга аҳд қилди. Улар ўз сўзларининг устидан чиқиш учун астойдил ишлашяпти. А. Абдураҳимов бошчилик қилаётган ўраш-давралаш цехининг комсомол-ёшлари эса XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига — «19 зарбдор меҳнат ҳафтаси!» ташаббусиқ билан чиқишганди. уларга 7 мингдан ортиқ тўқимачи қўшилди. Натижада меҳнат унумдорлиги ортди. ишлаб чиқарилаётган газламалар сифати, уларни сотиш, буюртмачилар билан ҳамкорлик янада яхшиланди.

Корхона партия ташкилотларида жанговарлик кўриги муваффақиятли давом этмоқда.

**Т. СУЛАЙМОНОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.**

## БУ—МАВСУМИЙ ИШ ЭМАС

— Аввало шуни айтмоқчиманки, — деди Марҳамат район партия комитетининг биринчи секретари Исоқжон Олимов, — районимизда жанговарлик кўригини фарғоналикларнинг тажрибасини ўрганишдан бошладик. Иккинчи секретарь Йўлдошали Эргашев Фарғона область Қувасой шаҳридаги «Мўян» боғдорчилик совхозида бир ой туриб, тажриба орттириб келди.

— 1985 йилда ҳам районимизда жанговарлик кўригини ўтказишга уриниб кўрилган эди, — деди Й. Эргашев суҳбатга қўшилиб, — раҳбар ходимлар учун алоҳида, оддий коммунистлар учун алоҳида кўрик комиссиялари тузилганди. Бироқ партком секретарларига конкрет тавсияномалар берилмади. Тайёргарликсиз, мақсадни тушунмасдан бошланган кўрик тезда барбод бўлди. Бу гал раҳбар ходимлар учун ҳам, оддий коммунистлар учун ҳам бир хил комиссия тузилди. Бу комиссия барчага баробар талаб қўяди. Ҳозир районда 17 та бошланғич ва цех партия ташкилотида жанговарлик кўриги комиссиялари иш олиб бормоқда.

«Комсомол 60 йиллиги» совхози 1-бўлими цех партия ташкилоти жанговарлик кўриги комиссияси аъзолари: партия ва меҳнат ветерани М. Мирзаев, бўлим агрономи М. Бўриев, бригада бошлиғи З. Қодиров, сувчи, партия группаси етакчиси Р. Ғозиев, пиллачилик бригадаси бошлиғи О. Ҳожибоев 2-бригада ишчиси, коммунист Ҳамробой Собиров билан узоқ суҳбатлашдилар. Комиссия унинг партия ва жамоат ҳаётидаги иштироки, оилавий аҳволи билан қизиқди, нима учун партия йиғилишларига келмаётгани, беш ойдан бери аъзолик бадалини тўламаётгани сабабларини суриштирди. Цех партия ташкилотининг секретари илгари ҳам Ҳ. Собиров билан якка тартибда суҳбатлашган, тартибга чақирган эди. Лекин у бундан тегишли хулоса чиқариб олмади. Комиссия цех партия ташкилотига Ҳ. Собировнинг КПСС сафида қолиш-қолмаслиги масаласини партия йиғилишида кўриб чиқиш тўғрисида таклиф киритди.

Комиссия аъзолари партия группаси етакчиси Ҳасанбой Ҳайдаровга эса сиёсий билимини янада ошириши, ижтимоий ҳаётда фаолроқ қатнашиши кераклиги хусусида маслаҳатлар бердилар.

Суҳбат давомида коммунистлар партия ташкилоти фаолиятига холис баҳо бериш билан бирга ўз мулоҳазаларини, дардларини ҳам айтмоқдалар. 2-бўлим ишчиси, коммунист Зокиржон Остонақулов кўрик комиссияси аъзоларининг: «Турмуш шароитингиз қандай?» деган саволига жавобан «Инсон омили ҳақида кўп гапириляпти. Лекин қуруқ гапдан нарига ўтилмаяпти. Мен анчадан буён оилам билан дала шийпонида яшаяпман. Бундан раҳбарлар ҳабардор, ер участкаси сўраганмиз. Бироқ амалий ёрдам беришмаяпти. Қачонгача шийпонда яшашимиз мумкин? Партия ташкилоти ҳам инсон тақдирига бефарқ қарамоқда», дея дардини айтди. Кўрик комиссияси бу ҳақда совхоз раҳбарларига ёзма ахборот берди.

Суҳбат жараёнида коммунистларнинг партия ташкилоти билан алоқаси, маънавияти, билим доираси, ишлаб чиқаришда тутган ўрни, оилавий аҳволи, турмуш шароити, томорқа хўжалигидан қандай фойдаланаётгани ҳақида ҳам суриштирилмоқда. Жанговарлик кўриги партия ходимлари, хўжалик раҳбарлари, мутахассислар ва коммунистларнинг кўзини очяпти. Ҳамма ҳушёр тортиб, сиёсий, иқтисодий билимини ошириш, қайта қуриш талаблари даражасида ишлаш, турмуш тарзини ўзгартириш тараддудига тушиб қолди.

Район саноат корхоналари бошланғич партия ташкилотларида ҳам кўрик комиссиялари иш бошлашди. Коммунистлар билан ўтказилган суҳбатларда районда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг баъзи турлари бўйича тузилган шартномалар бажарилмаганлигининг сабаблари ҳам аниқланмоқда.

— Корхонамизда 11 кишидан иборат кўрик комиссияси тузилган, — деди «Электротехника» заводи бошланғич партия ташкилотининг секретари Тўхтасин Индияминов, — Комиссия составида йиғув цехи слесарлар бригадасининг бошлиғи, область партия ташкилоти ревизия комиссиясининг аъзоси Т. Назарова, прессловчи, райком аъзоси Ш. Нишонбоева, илғор ишчи, мураббий Н. Нишонов, слесарь А. Вигроненко ва бошқалар бор. Комиссия суҳбат анкетаси тайёрлади. Суҳбат пайтида коммунистлар ана шу анкета саволларига жавоб берадилар. Ҳар бир суҳбат жонли ва эркин мулоқотга айланмоқда.

Марҳамат район партия комитети кўрикка жиддий эътибор беряпти. Кўрикнинг коммунистлар билан суҳбатлашиш босқичи дастлабки якунлариёқ район партия ташкилоти иш услубидаги ютуқ ва камчиликларни очиқ-ойдин кўрсатиб берди. Биз коммунистлар томонидан тўлдирилган суҳбат анкеталари билан танишдик. Очиғи, у пухта ўйлаб тузилмаган: пала-партиш, ортиқча саволлар кўп. Жанговарлик кўриги мавсумий иш эмас, у узоқ муддатга мўлжалланган. Район партия комитети анкета саволларини қайта кўриб чиқса фойдадан холи бўлмайди.

**А. ҚУРОНБОЕВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**



## ОДАМЛАР ОРАСИДА

**Совхоз партия комитети секретари Дилором Аҳмедовани кўпинча далаларда, одамлар орасида учратиш мумкин. У меҳнаткашларнинг орзу-ўйлари ва мақсадларини билишга ҳамиша интилади. Қувончу ташвишларига шерик бўлади. Турмушда, ишлаб чиқаришда юз бераётган қийинчиликларни енгиш, муаммоларни ҳал қилиш йўлларини излайди. Одамлар билан бамаслаҳат иш юритиб, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисида қайғуради. Ҳа, дарҳақиқат кабинетда нима бор! Етилиб турган долзарб масалаларни айнан далада, кишилар даврасида биргаликда ҳал қилишга нима етсин!**

**Мана у бугун ҳам далага отланди. Бу сафар Дилором Зайниддин Хўжаберганов бошлиқ оилавий звено даласига бориб, деҳқонлар билан мулоқотда бўлди. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, хўжаликда оилавий пудрат усулига яқингинада ўтишди... Бу усул ҳозирдаёқ ўзининг илк самараларини беряпти. Шунинг учун ҳам унинг истиқболи порлоқ. Бу ҳаракат совхозда кенг қулоч ёймоқда. З. Хўжаберганов бошлиқ оилавий звено эса хўжаликда биринчи бўлиб шу усулда иш бошлади. Бу борада коллективга тегишли маслаҳатлар берилди. Турли муаммолар ижобий ҳал қилинди. Кўкламда бўлиб ўтган кучли сел ва дўл натижасида звенога қарашли каттагина майдондаги ғўза ниҳоллари ривожланишдан орқада қолди. Кўпгина участкаларда чигитни қайта экишга тўғри келди.**

**Ғўзалар ривожланишдан орқада қолаётганлиги меҳнат аҳлини ташвишга солди. Ана шундай пайтларда деҳқонга мадад ва далда бермоқ жуда-жуда зарур. Хўжаликнинг бошқа раҳбарлари қатори Дилором Аҳмедова ҳам далаларда бўлиб, деҳқонларга ҳар томонлама ёрдам беришга интилди. Ниҳоллар яхши парвариш қилинаётгани туфайли экин гуркираб ўсмоқда.**

**Хўжайли районидаги «Тошкент» совхози партия комитети секретари Дилором Аҳмедованинг XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси арафасидаги иш кунлари шу зайлда ўтади. Чунки у қайта қуриш талабларини амалга ошириш, хўжаликда демократия ва ошкораликни тўла қарор топтириш учун чинакам жонбозлик кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам Д. Аҳмедова ҳақида гап кетганда, уни қайта қуриш жонкуяри, деб таърифлашади.**

**Суратда: Д. Аҳмедова З. Хўжаберганов бошлиқ оилавий звено даласида.**

**А. НАЙМУШИН фотоси (ЎзТАГ)**

• *Журналларнинг янги сонларида*

## «Мухбир» — «Корреспондент»

Журналнинг олтинчи сони шу йил 15 апрелда Самарқандда бўлиб ўтган Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениесининг IV пленуми тўғрисидаги «Қайта қуриш тарғиботчилари» сарлавҳали материал билан очилади.

Журналнинг бу сонида Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениеси 1987 йилда ўтказилган республика ижодий конкурсларининг якунлари «Ижодий конкурс ғолибларини табриклаймиз» шапкаси остида эълон қилинган.

В. И. Ленин номидаги ТошДУ партия комитетининг секретари, иқтисод фанлари кандидати Р. Набиулиннинг журналдаги «Партия конференциялари — биринчисидан то ўн тўққизинчисигача» сарлавҳали мақоласи қизиқиб ўқилади.

«Қайта қуриш: ҳаракат қилиш даври» шапкаси остида Тошкент область партия комитетининг секретари Э. Фозиловнинг «Журналист — партиявий касб», «Ангренская правда» газетасининг редактори А. Кузмицкийнинг «Биргаликда ҳал этайлик», Қўқон шаҳар «Знамя труда» газетасининг редактори Н. Лукашовнинг «Ҳақ тўлаш адолатли бўлиши керак», Қашқадарё область Нишон район «Меҳнат байроғи» газетасининг редактори И. Ҳикматовнинг «Чўлқуварлар ҳаётининг кўзгуси» сингари мақолалар босилган.

Шунингдек, «Редакциянинг ижодий имконияти» рубрикаси остида Н. Ганюхинанинг «Кувончсиз, илҳомдан руҳланмай», «Кадрларга ғамхўрлик — долзарб вазифа» рубрикаси остида «Ёш ленинчи» газетаси редактори, Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениеси ёш журналистлар билан ишлаш комиссиясининг раиси Ж. Раззоқовнинг «Ёшлик — ғўрлик эмас», «Журналист этикаси» рубрикаси остида эса Ўзбекистон Журналистлар союзининг профессионал этика ва ҳуқуқ бўйича совет раиси Г. Некlessaнинг «Касб шани учун» сарлавҳали мақолалари берилган.

Булардан ташқари бу сонда «Ҳамкасбларимиз», «Нуқтаи назар», «Фоторепортаж», «Кўмакдошларимиз», «Алоқачиларимиз», «Рассом альбомидан», «Журналистика ташкилотларида», «Изланиш» клуби, «Китоб жавонингизга», «Информация», «Реклама» ва бошқа рубрикалар остида ҳам бир қатор материаллар эълон қилинган.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
ИҚТИСОДИЙ УМУМТАЪЛИМ УНИВЕРСИТЕТИ

## ДАВЛАТ БУЮРТМАСИ

КПСС Марказий Комитети 1987 йил июнь Пленуми экономикани бошқаришни тубдан қайта қуриш вазифаларини аниқ кўрсатиб берди. Республиканинг барча корхоналари шу йилдан бошлаб Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонун асосида иш бошлади. Бу партиявий, иқтисодий, социал ва ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатда корхоналарнинг янги шароитда ишлашлари, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш, тўла хўжалик ҳисобига ўтиш йўллари, мустақиллик ҳуқуқлари аниқ акс эттирилган.

Корхоналар хўжалик ҳисоби шароитида ўз фаолиятини ўзлари планлаштириш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Янги хўжалик юритиш шароитида корхоналар олдида турган муҳим вазифалардан бири бу давлат буюртмасидир.

Давлат буюртмаси нима? Давлат буюртмаси, биринчидан, халқимизнинг ўсиб бораётган эҳтиёжини зарур товарлар билан гарантияли қондиради. Бу эса гарантияли фойда келтиради. Иккинчидан, давлат зарур ишлаб чиқариш ва социал объектларни ишга тушириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш учун маблағ ажратиши мумкин. Учинчидан, ишлаб чиқариш нормал ва бир маромда ташкил этилади.

Давлат буюртмаси состави СССР Госплани томонидан аниқланади. Министрликлар эса давлат буюртмасини СССР Госплани билан биргаликда ўзлари белгилайдилар. Корхоналарнинг ўзлари ҳам буюртмани конкурс асосида ҳосил қилишлари ва бу хусусда ўз таклифларини киритишлари мумкин.

Шу йилнинг бошидан корхоналарга асосий маҳсулот турлари бўйича давлат буюртмаси жорий этилди. У корхоналарнинг кенг ҳаракат қилишига имконият туғдиради. Ҳамма нарсани ўз ичига қамраб оладиган олдинги планлаштиришдан фарқи ҳам шунда.

Давлат буюртмаси корхона учун фойдалими? Ҳа, фойдали бўлиши шарт. Чунки маҳсулотларнинг асосий қисми гарантияли равишда ишлаб чиқарилади. СССР Госплани ва СССР Министрлар Совети давлат буюртмаси асосида 600 хил саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни тасдиқлади. Бу эса ўтган йилги директив топшириқдагидан 5 маротаба камдир. Албатта, бу тўғри, самарали йўлдир.

Аммо бу вазифа министрликлар ихтиёрига топшириб қўйилди. Ачинарлиси шундаки, министрликлар ва бошқармалар Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонун жорий этилганидан кейин ҳам ўз корхоналари учун у ёки бу нарсани ўзгартиришга шошилмаяптилар.

Министрликлар ўз корхоналари устидан назоратни йўқотиб қўйиш эҳтимолига қарши ҳамма ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни давлат буюртмасига киритишга интилмоқдалар. СССР Госплани томонидан қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари учун ҳамма ишлаб чиқариш программасининг 90 процентдан кўпроғи, автомобиль ва станоксозлик саноатининг 85 проценти, енгил саноатнинг 100 проценти давлат буюртмасига киритилган. «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси 95 процент, «Ўзбекхлопкомаш» 90 процент, Тошкент самолётсозлари 100 процент маҳсулотни давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқармоқдалар. Лекин министрликлар ўз корхоналарини ресурс билан таъминлаш учун ҳамма маҳсулотни, ҳатто халқ истеъмоли молларини ҳам давлат буюртмасига киритмоқдалар. Чунки Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонунда давлат буюртмаси билан ишлаётган корхоналар ресурслар билан биринчи навбатда таъминлансин, дейилган.

Ҳамма корхоналар ҳам давлат буюртмаси асосида ишлашлари шартми? Фикримизча, хизмат кўрсатувчи корхоналарга давлат буюртмаси зарур эмас. Бунда корхоналар ўз маҳсулотига «буюртма»ни ўзлари ташкил қилганлари маъқул. Тўла хўжалик ҳисоби шароитида корхоналар ўзлари учун керак бўлган ёки шартнома асосида ишлаб чиқарадиган маҳсулот номенклатураларига эга бўлишлари шарт. Шунинг учун корхоналар учун давлат буюртмаси 60—70 процентдан ошмаслиги керак. Чунки корхона фаолиятини ривожлантириш, ресурс ва резервлардан тўла фойдаланиш, бошқа турдош корхоналар билан узвий алоқада бўлиш, моддий манфаатдорликни ошириш учун мустақилликни таъминлаб бориш керак.

Яна бир муҳим масала. Хўжаликни янгича бошқариш шароитида қурилиш трестлари ҳамма объектларни фақат давлат буюртмаси асосида қуришлари белгиланган. Хўжалик ҳисобида ишлаётган корхоналарда эса аста-секин маблағ йиғила боради. Улар бу маблағни уй-жой қурилиши ва социал объектларни ривожлантиришга сарф қилишлари керак.

Қурилиш трестлари ҳамма ишларини олдиндан давлат буюртмасига киритиб қўйган шароитда бу ишларни ким амалга оширади? Айни пайтда давлат буюртмасига халқ эҳтиёжига керак бўлмаган ва халқ хўжалигига зарурияти йўқ маҳсулотлар кириб қолиш ҳоллари ҳам оз эмас. Давлат буюртмаси асосида ишлаётган корхоналарнинг фондлар билан таъминланиши ҳам узвий равишда ташкил этилмаган. Натижада ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланилмаяпти.

Баъзи корхоналарда давлат буюртмаси салмоғи бирмунча ошириб кўрсатилмоқда. Бу давлат буюртмаси тўла бажарилмаслигига, хўжалик ҳисоби принципи бузилишига сабаб бўляпти. Шунинг учун корхоналардаги ишлаб чиқариш қувватларининг ҳаммасини давлат буюртмасига йўналтирмасдан, уларнинг маълум қисмини корхоналарнинг ўз эҳтиёжларини қондирадиган товарлар ишлаб чиқаришга ҳам ажратиш керак. Давлат буюртмаси моҳиятини тўла тушуниш ва амалда жорий этиш учун низом ишлаб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонунда корхоналар хўжалик шартномаси бўйича маҳсулот етказиб беришлари ва бундай маҳсулотни ўзлари улгуржи ярмаркаларда сотишларига йўл очиб берилсин, деб таъкидланган-ку. Давлат буюртмаси билан хўжалик шартномаси ёки халқ истеъмоли моллари ўртасидаги фарқлар нималардан иборат? Ҳар бир корхона ўз имкониятларига кўра, беш йиллик муддатга мўлжалланган давлат буюртмасига эга бўлиши шарт. Чунки давлат томонидан тасдиқланадиган фондли ресурслар биринчи навбатда давлат буюртмасига мўлжалланган бўлади.

«Узбексельмаш» заводи бу йил 42 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариши керак. Бунинг 36 миллион сўми давлат буюртмасига мўлжалланган. Бу, 85 процентдан ортиқроқни ташкил қилади. Ҳолбуки, заводда 100 хилдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқариш планлаштирилган. Тушунарлики, корхонанинг мустақиллигини таъминлаш ва ривожлантириш учун давлат буюртмаси салмоғини озайтириш, ҳеч бўлмаганда 70 процентгача тушириш керак.

Давлат буюртмаси ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш ва хилларини тез янгилашни тақозо этади. У такомиллаштирилган ишлаб чиқаришни талаб қилади. Қўшимча ускуна ҳамда машиналар ўрнатилган ва умуман, моддий-техника шароити етарли бўлган корхоналарда ишни бир сменали эмас, балки икки сменали ташкил этиш керак. Бу ҳолда ишчилар сони ҳам икки баравар ортиши керак, лекин иш ҳақи фонди фақат 20-30 процент оширилади, холос. Шундай экан, иш ҳақи фондини ташкил қилиш нормативи асосан давлат буюртмаси бўйича ишлаб чиқарилаётган маҳсулотдан олинган фойдага боғлиқ бўлиши мумкин. Давлат буюртмасидан ташқари ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмоли молларига кооператив савдо шартнома асосида улгуржи ва чакана баҳоларни ўзи қўйишига ҳуқуқ бериш лозим. Корхонага қарашли махсус савдо бўлинмаларида товарлар комиссион баҳода ҳам сотилиши мумкин.

Корхона ишлаб чиқариши давлат буюртмаси асосида планлаштирилади. Бу — давлат корхоналарининг хўжаликни янгича юритишдаги биринчи қадами. Ишларнинг тез ва самарали амалга оширилиши партиямизнинг экономикани тубдан қайта қуриш ва халқимизнинг сифатли товарларга ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш вазифаларини муваффақиятли бажаришда бош омил ҳисобланади.

**Ш. ЗАЙНУТДИНОВ,**
**Тошкент халқ хўжалиги институти доценти.**

• *Мунозара минбари*

## ТАЪСИРЧАНЛИК ЯНАДА ОШАРДИ

Халқ контроли органларининг ишида қайта қуриш ўтган йилдан бошлаб амалга ошириляпти. Иқтисодий ислоҳотнинг халқ хўжалиги турли соҳаларида қўлланилиши ва давлат корхонаси ҳақидаги Қонуннинг жорий этилиши контрол органлари олдига ғоят муҳим ва мураккаб вазифаларни қўйди. Назоратчилар бу вазифаларни бажариш учун аниқ план асосида иш олиб бормоқдалар.

Жамиятимизда демократия чуқурлашиб бораётган ҳозирги даврда контролнинг жамоатчилик ва давлат номидан амалга оширилиши табиийдир. Иттифоқ, республика, ўлка, область, шаҳар ва район халқ контроли комитетлари давлат контроли органлари сифатида ишласа, корхона, ташкилот ва муассасалардаги халқ контроли группа ва постлари жамоатчилик асосида иш кўрадилар.

Республикамизда ҳозир 18 минг 846 та бош группа, 23 минг 836 та цех группаси, 10060 та халқ контроли пости мавжуд, уларнинг таркибида 443 минг 619 нафар назоратчи бор. Улар демократик асосда сайланган халқ вакиллари бўлиб, халқ хўжалиги ва социал ҳаётнинг турли соҳаларида иш олиб бормоқдалар. Ўтган йилнинг ўзида улар 200 мингдан ортиқ текшириш ўтказдилар. Бу текширишлар асосида корхона ва ташкилотларнинг маъмурияти ва жамоат ташкилотлари томонидан айбдор ходимларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Ишлаб чиқариш жараёнларини яхшилаш, технологияни такомиллаштириш, моддий ва молиявий ресурсларни тежаб сарфлаш бўйича назоратчилар киритган кўплаб таклиф ва тадбирлар амалда татбиқ этилмоқда.

Аммо масалага қайта қуриш талаблари нуқтаи назаридан, танқидий тарзда ёндашадиган бўлсак, контрол бизнинг жамиятимизда ҳамон тарқоқ ҳолда амалга оширилмоқда, унинг таъсирчанлиги етарли эмас, текширишларнинг кўплиги бирбирини такрорлаши, оқибатда корхона ва ташкилотлар бошлиқлари, бошқа ходимларининг анчагина иш вақти бекорга сарфланаётганлиги кўзга ташланмоқда.

Баъзан корхона ва ташкилотларда халқ контроли группалари аъзоларининг сони керагидан ортиқча кўпайтириб юборилганлиги, зарурат бўлмаган ҳолларда ҳам цех группалари ва постлар тузилаверганлиги, улар томонидан майда-чуйда текширишларнинг кўплаб ўтказилиши, сон кўрсаткичларига берилиб кетиб, сифат кўрсаткичлари унутилаётганлигидан далолат бермоқда.

Агар группа ва постлар аъзоларининг сони керагидан ортиқча эмас, балки меъёрида бўлса ва улар фаол ишлайдиган кишилардан ташкил топса, контролнинг савияси ва самарадорлиги янада юқори бўлар эди. Йирик корхона ва ташкилотларда комитет ёки группанинг раиси контрол фаолияти учун иш ҳақи оладиган бўлса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Сўнгги йилларда турли контрол қилувчи муассасалар ва инспекциялар анча кўпайиб кетди, бу эса ўз навбатида контрол ишида тарқоқликка ва текширишларнинг самарадорлиги паст бўлишига сабаб бўляпти.

Идоравий контрол ишини қайта қуриш секин ва қийинчиликлар билан амалга оширилмоқда. Сўнгги 15—20 йил ичида қўшимча кўпдан кўп турли инспекциялар ва идоралараро назорат органлари ташкил этилди. Масалан, республикамизнинг ўзида ўтган йилнинг иккинчи ярмида 6480 нафар ходими бўлган 27 та идоралараро контрол органлари ва 3209 нафар ходими бўлган 59 та идоравий контрол органлари мавжудлиги ва улар текширишлар олиб борганлиги маълум. Бир қатор идоралараро инспекцияларни бекор қилиб ёки қисқартириб, улар ҳисобига жамоат-давлат контроли органлари мустаҳкамланса ва уларнинг ҳуқуқ доираси янада кенгайтирилса, контрол ишининг таъсирчанлиги, контрол органларининг демократизми янада ошади, деб ўйлаймиз.

Бўлажак жамоат-давлат контроли органларининг ҳуқуқ доираси ҳозирги халқ контроли органлариникидан ортиқроқ бўлиши лозим. Ҳозирги халқ контроли органларининг ҳуқуқ доирасида битта камчилик бор. Уларга маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг аппаратини текшириш ҳуқуқи берилмаган. Ваҳолонки, партия Марказий Комитети ва ҳукумат томонидан қабул қилинаётган аксарият қарорларда вазифа ва топшириқларни бажариш тегишли министрлик, идора ва маҳаллий Советлар ижроия комитетларига юклатилади. Министрлик, идоралар билан бир қаторда ижроия комитетларининг аппарати ва раҳбарияти ҳам текширилиши зарур. Бир қатор қарор ва директив кўрсатмаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши ижроия комитетлари раҳбариятининг интизоми ва ишдаги оперативлигига боғлиқ. Шу жиҳатдан республика жамоат-давлат контроли комитетига область, шаҳар ва район Советлари ижроия комитетларини текшириш, бу контрол органининг область комитетларига эса шаҳар, район ва қишлоқ Советлари ижроия комитетларининг фаолиятини текшириш ҳуқуқини бериш масаласи ҳал этилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шаҳар ва район жамоат-давлат контроли комитетларини шаҳар ва район Советига эмас, балки область Советларига бўйсундириш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу тадбир уларга зарур мустақиллик берарди. Бизнингча, барча идоралараро ва идоравий (шу жумладан, касаба союзлари, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари) контрол органлари томонидан ўтказиладиган текшириш фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси бўлажак жамоат-давлат контроли органлари зиммасига юклатилса тўғри бўларди. Шу ўринда бўлажак партия контроли органлари ҳамда жамоат-давлат контроли органларининг келажакдаги ўзаро муносабатлари ва тегишли ҳолларда ҳамжиҳатлик тарзидаги ҳаракатлари қайси шаклда бўлиши ҳақида муайян фикр айтилса ёмон бўлмасди.

**Т. ХОНХУЖАЕВ,**
**Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг бўлим мудири.**

